

ЯХЛИТ МЕТОДОЛОГИК СТРАТЕГИЯ НУҚТАИ НАЗАРИДАН ИНТЕГРАТИВ ЁНДАШУВ**Реймбаев А. М.***Ноқис мамлекетлик техника университети*

Замонавий интегрatív ёндашувда жисмоний тарбиянинг асосий натижаси талабалар организмнинг барча жисмоний сифатлари ва функционал тизимларини уйғун ривожлантиришдан иборат бўлиши лозим. Ушбу ёндашувни татбиқ этиш шахснинг жисмоний маданияти шаклланишига таъсир кўрсатувчи барча омилларнинг ўзаро ҳамбандчилик қилиши ҳисобга олиниши тақозо этади. Соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қўмаклашадиган ёки тўққонлик қиладиган ҳолатларни мунтазам ўрганиб бориш энг муҳим шартдир. Жисмоний сифатларни ривожлантиришга қаратилган ташқи омиллар ва таъсир воситаларининг ўзаро таъсир механизмини такомиллаштириш алоҳида эътиборга лойиқ. [3, 5, 6, 7]. Спорт ўзига хос мавжудлиги ва мусобақавий амалиёти туфайли ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида намоён бўлиб, шахснинг шаклланишига ҳисса қўшади. Замонавий жисмоний тарбиянинг гуманистик салоҳияти айнан шу жиҳати билан яққол кўзга ташланади. Мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиларининг аксиологик тайёргарлиги эволюциясини тадқиқ этган Р.Р. Латипов шундай хулосага келади: фаолиятнинг меъёрий-қадриятли мазмуни истиқболлари объектив зарурат туфайли жиддий эътиборни тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, жамият олдида қуйидаги талабни қўяди: спорт фаолияти натижалари бегона омиллар билан эмас, балки аксиология – инсоннинг гуманистик эътиқодлари ва қадрият мўлжаллари билан белгиланиши лозим [2]. Қорақалпоғистон Республикасидаги ноқулай экологик вазият муносабати билан саломатликни асраш модели ҳамда экологик-валеологик концепцияни ўзида мужассам этган жисмоний тарбия жараёнини ташкил этиш зарур. Ушбу концепциянинг моҳияти жисмоний, руҳий, маънавий ва ижтимоий саломатликни яхлит ҳодиса сифатида кўриб чиқиб, соғлом турмуш тарзини шакллантириш орқали уни сақлаш ва мустаҳкамлашдан иборатдир.

Ш.Х. Хонкелдиев ўз монографиясида таъкидлаганидек: “Назария ва амалиётда қайд этилган муаммоларнинг комплекс ечими талабаларнинг жисмоний тарбия жараёнини бошқаришга интегрatív ёндашувнинг кўп босқичли тизимини яратиш бўлиши мумкин” [3]. Жисмоний тарбиянинг кўп босқичли тизими иерархияси чўққисида жисмоний маданиятнинг назарий-методологик асосларини инновацион ўзгартириш воситаси бўлиб хизмат қиладиган жисмоний маданият фаолиятининг апробациядан ўтган моделлари туради. Ушбу педагогик муҳит негизида спорт ва жисмоний тарбия воситалари эволюцияси ҳамда уларни амалда қўллашнинг умумлаштирилган тарихий-ижтимоий тажрибаси ётади. Шундай қилиб, гап икки ўзаро боғлиқ — фундаментал ва инновацион босқичлардан иборат мураккаб таълим тизими ҳақида кетмоқда [2]. Талабаларнинг ўқув-касбий фаолиятга қизиқишини ошириш учун таълим ва назоратнинг модуль-рейтинг тизимини жорий этиш таклиф қилинади. Жараённинг бундай ташкил этилиши шахсий қизиқишлар, компетенциялар ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда таълим дастурини ўзлаштиришга имкон бериб, касбий фаолиятнинг индивидуал услубини изчил шакллантириш учун шароит яратади. Бу эса семестр давомида мустақил ишларни оқилона ташкил этишни ҳамда жисмоний тарбия бўйича натижаларни мунтазам кузатиб боришни таъминлайди.

Жисмоний тарбияни бошқаришни ўзаро боғлиқ учта функционал таркибий қисм: инновацион-педагогик, экологик-таълимий ва соғломлаштириш-реабилитация (расмга қаранг) йиғиндиси сифатида кўриб чиқиш лозим. Уларнинг ҳар бири модуль тамойили асосида тузилган аниқ вазифалар ва уларни ҳал этиш босқичларини ўз ичига олади. Ҳар бир модульда ўзига хос мақсадлар белгиланган бўлиб, уларга эришиш кейинги модульга ўтиш имкониятини яратади. Бундай узвийлик тегишли блокнинг умумий мақсадларига эришиш учун элементларнинг ўзаро таъсирини таъминлайди [5, 23].

Рейтинг тизими бўйича семестр ёки ўқув йили давомида тўпланган баллар йиғиндиси талабани синов ёки имтиҳон сессиясидан қатъи назар аттестациядан ўтказиш имконини беради.

Ўқув жараёни модуль тамойили асосида ташкил этилган: ҳар бир модуль — дастурнинг тугал қисмини ташкил этувчи мавзу ёки мавзулар мажмуасини бирлаштирган мантиқан яхлит бир бўлимдир. Бундай элементнинг оптимал ҳажми семестр ёки ўқув йилига мўлжалланган мазмуннинг мустақил бўлимига тўғри келади. Ушбу модулларни амалга ошириш учун ўқув-машғулот модуллари (ЎММ) яратилади.

Биринчи блок педагогик-инновацион хусусиятга эга бўлиб, олий таълим муассасалари талабалари учун жисмоний тарбия давлат дастурига қўшимча сифатида ишлаб чиқилган ўқув-услубий мажмуага таянади. Мажмуа тузилмасига учта таълим модули киради: биринчи курсда рейтинг назорати билан мослашувчан умумий жисмоний тайёргарлик курси; иккинчи ва учинчи курсларда спортга йўналтирилган машғулотлар; тўртинчи курсда касбий-амалий жисмоний тайёргарлик.



Жисмоний тарбиянинг кўп босқичли тизими тўртта даражада ташкил этилиб, функционал блоklar ўртасидаги узвий алоқадорликни таъминлайди.

Соғломлаштириш-реабилитация йўналиши инновацион саломатликни асраш технологияларини қўлловчи марказ фаолияти орқали амалга оширилади. Бу ерда ноқулай экологик шароитларга мослаштирилган жисмоний тарбия-соғломлаштириш йўналишидаги реабилитация дастурлари ишлаб чиқилади ва амалга татбиқ этилади. Шу билан бирга, талаба-ёшларнинг қадриятга оид қарашлари ўрганилиб, натижада ўқувчиларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича методик ёндашувлар ишлаб чиқилади.

Экологик-таълим модули жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги умумназарий асослар ҳамда ихтисослаштирилган билимларни чуқур ўзлаштириш орқали жисмоний тарбиянинг таълимий салоҳиятини очиб беришга қаратилган. Таълим олувчиларнинг экологик тайёргарлигини кучайтиришга, машғулотлар ўтказишда атмосфера ҳавоси мониторинги маълумотларидан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантиришга, шунингдек, мураккаб экологик вазиятда оммавий спорт тадбирларини ташкил этиш бўйича компетенцияларни эгаллашга алоҳида эътибор қаратилади.

Комплекс-мақсадли таълимнинг иккинчи босқичи биринчи курс талабаларининг жисмоний тайёргарлигидаги ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олишга, шунингдек, ноқулай экологик шароитларда ўтказиладиган жисмоний машғулотлар натижаларини таҳлил қилишга асосланади.

Жисмоний тарбия соҳасида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишга интегратив ёндашув методологияси ҳудудий хусусиятларни инобатга олган ҳолда уни ривожлантириш моделларини мослаштиришни ҳамда жисмоний маданиятнинг эколого-валеологик таълим салоҳиятини яратишга қаратилган инновацион технологияларни ишлаб чиқишни кўзда тутати.

Биринчи босқич ўқув материали мазмунида таълимий жиҳатга алоҳида урғу берилиши билан тавсифланади. Бу эса талабаларда жисмоний тарбия ва спорт воситаларидан фойдаланиш орқали соғлом турмуш тарзини юритишга доир қадриятларни шакллантиришни таъминлайди.

Ушбу босқичда жисмоний тарбиянинг самарадорлиги қуйидаги асосий мезонлар билан белгиланади: ташқи муҳитнинг ноқулай омиллари таъсиридан сўнг организмни тиклаш учун жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва реабилитация йўналишидаги технологияларни эгаллаганлик; атмосфера ҳавосининг ифлосланиш индекси мониторинги маълумотларидан фойдаланган ҳолда жисмоний ўз-ўзини тайёрлаш, назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш нуқтаи назаридан организм тизимларининг ишлашидан хабардорлик даражаси; организмнинг жисмоний ҳолатини меъёрий чегараларда амалий жиҳатдан сақлаб туриш.

Талабаларда жисмоний тарбияга нисбатан фаол ёндашувни шакллантириш — учинчи босқичнинг марказий муаммоси бўлиб, бунинг учун талабалар ўз танасига таъсир кўрсатиш имкониятини англаб етишлари зарур. Фақат шундай ёндашувгина спортга йўналтирилган машғулотларнинг мазмунини ташкил этувчи ҳаракат вазибаларини самарали ҳал қилиш истикболини очиб беради. Шу нуқтаи назардан, мазкур педагогик фаолият орқали жисмоний баркамолликка эришиш ва саломатликни мустаҳкамлашга қизиқиш уйғонади.

Ушбу мақсадларга эришиш учун шахсий соғломлаштириш дастурларини тузиш бўйича амалий кўникмаларни ривожлантиришни кўзда тутувчи иккинчи босқич асос бўлиб хизмат қилади. Бу босқичда экологик номутаносиблик шароитида классик ва ноанъанавий реабилитация-соғломлаштириш технологияларидан фойдаланишнинг назарий тамойиллари ўзлаштирилади. Бу эса ўз навбатида, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги фундаментал билимларни ўзлаштиришни таъминлайдиган иккинчи блокнинг биринчи босқичига таянади. У гиподинамия, гипокинезия, экологик инкирозлар ва ҳиссий зўриқишларнинг организм учун оқибатларини ўрганишни ҳамда ушбу бузғунчи таъсирларни бартараф этиш усулларини ўзлаштиришни ўз ичига олади [6]. Олий ўқув юртида жисмоний тарбиянинг якуний босқичи касбий-амалий тайёргарлик, экологик тарбия ва маърифатга қаратилган. Бу даврда талабаларда жисмоний тарбия воситалари ёрдамида соғлом турмуш тарзини юритиш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган ташкилий-услубий тадбирлар амалга оширилади.

Тўртинчи босқични ўзлаштиришнинг натижаси касбий касалликларнинг олдини олиш методикаларини эгаллаш ҳамда жисмоний тарбия орқали соғлом турмуш тарзини яратишга оид индивидуал ёндашувни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Иккинчи-учинчи курсларда эса, аксинча, бошқача масалалар долзарб бўлади. Бу даврда умумий жисмоний тайёргарликнинг самарадорлиги пасаяди, шунинг учун машқларга бўлган қизиқишни сақлаб қолиш мақсадида машғулотлар танланган спорт тури бўйича спорт машғулоты тамойилларига асосан ташкил этилади. Бундай ёндашув жисмоний сифатларни ривожлантиришга бўлган интилишни кучайтиради.

Интегратив ёндашув — бу таълим жараёнини сифат жиҳатидан ўзгартиришга ва таълим олувчининг баркамол шахсини шакллантиришга йўналтирилган яхлит методологик стратегиядир.

Талабаларнинг жисмоний тарбиясини модернизация қилиш ҳар бири тўртта модулни ўз ичига олган, ўзаро боғлиқ тўртта блокдан иборат кўп босқичли бошқарув тизимини яратишни тақозо этади. Ҳар бир модульда рейтинг тизими амал қилиши ва ўқув жараёнининг бажарилишини назорат қилиб бориши лозим. Ушбу ёндашув талабаларда жисмоний маданиятга йўналтирилган турмуш тарзининг шаклланишини назарий-услубий жиҳатдан таъминлаш учун инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш имконини беради.

Юқори курс талабалари касбий-амалий жисмоний тайёргарликка алоҳида шайлик намоён этадилар. Ишлаб чиқариш амалиётини ўтаб, бўлажак меҳнат фаолияти талабларини таҳлил қилган ҳолда улар мутахассислик профессиограммаси асосида тайёргарлик кўришга онгли ёндаша оладилар.

АДАБИЁТЛАР

1. Капичникова, О.Б. Модернизация образовательного процесса в современном вузе / О.Б. Капичникова, О.В. Романов, А.И. Капичников // Ученые записки университета имени П.Ф. Лесгафта. - 2014. - № 5 (111). - С. 60-63.; Митин, А.Е. Концептуальный подход к применению гуманитарных технологий в области физической культуры : автореф. дис. ... канд. пед. наук : 13.00.04 / Митин А.Е. - СанктПетербург, 2012.-23 с.; Островский, А.В. Личностно-ориентированное физическое воспитание студентов вузов / А.В. Островский // Теория и практика физической культуры. - 2007. - № 8. - С. 39.; Тумаров, К.Б. К вопросу о целевом и содержательном обеспечении личностно- ориентированного физического воспитания студентов / К.Б. Тумаров // European Social Science Journal. - 2011,-№6.-С. 222-230.
2. Рахмон Равшанович Латипов. Школьная аксиологическая подготовка учителя физической культуры на современном этапе эволюции // [Science and Education](#). 2024
3. Ш.Х. Ханкельдиев Физический статус учащейся молодежи, монография- 2018 - Ташкент
4. Виленский, М.Я. Конструирование содержания образования по физической культуре / М.Я. Виленский, В.В. Черняев // Культура физическая и здоровье. - 2004. - № 1. — С. 26-29.
5. Чебатарева, Н.Е. Модульно - рейтинговая технология оценки учебных достижений студентов как фактор повышения успешности обучения : автореф. дис. ... канд. пед. наук : 13.00.04 / Чебатарева Н.Е. - Волгоград, 2004. - 23 с.
6. Базилевич, М. В. Организация спортивно ориентированного физического воспитания студентов на основе избранного вида спорта / М.В. Базилевич // Физическая культура : воспитание, образование, тренировка. - 2009. - № 5. - С. 27.; Макарова, Л.П. Концептуальные основы здоровьесберегающей педагогики / Л.П. Макарова // Здоровьесберегающее образование. - 2010. - № 4 (8). - С. 97-99.

Резюме. Мақолада яхлит методологик стратегия нуктаи назаридан интегратив ёндашув масалалари кўриб чиқилган. Шунингдек мақолада жисмоний тарбиянинг кўп босқичли тизими илмий манбалар ва адабиётлар асосида ўзaro таҳлил қилиниб тақлифлар киритилган.

Таянч сўзлар: жисмоний тарбия, соғломлаштириш дастурлари, экологик таълим, модул.

Резюме. В статье рассматриваются вопросы интегративного подхода с точки зрения целостной методологической стратегии. Также в статье на основе научных источников и литературы проанализирована многоуровневая система физического воспитания и внесены предложения.

Ключевые слова: физическое воспитание, оздоровительные программы, экологическое образование, модуль.

Summary. The article examines issues of an integrative approach from the perspective of a holistic methodological strategy. The article also provides a mutual analysis of the multi-level system of physical education based on scientific sources and literature, incorporating proposals.

Key words: physical education, health programs, environmental education, module.